

НАМОЗХОН ОЛДИДАН ЎТИШ

20:23 / 27.04.2016 3611

САВОЛ: Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи вабарокатуҳ!

Шайх ҳазратлари! Сизга бир масала тўғрисида мурожаат қилмоқчи эдим. Жума кунида ҳар бир мўмин каби биз ҳам Аллоҳнинг байтига Ўзига ибодат қилиш мақсадида бордик. Ҳамма нарса одатдагидек чиройли давом этаётган эди. Фарзни адо қилганимиздан сўнг суннат учун қиёмга келдик. Ҳамма ният қилиб суннат намозини ўқишга киришган бир вақтда олдинги сафларнинг биридан бир отахон ўринларидан туриб, орқа томонга ўтиш учун ҳаракат қила бошладилар. Биз охирги сафларда эдик. Ўша отахон ёнимдаги биродаримнинг олдига келиб тўхтаб қолдилар, чунки у саждага кетаётган эди. Шу ҳолатда, яъни отахоннинг юзи ва оёқларига қараган ҳолатда икки бор сажда қилди. Яна кейинги ракатга турганида ҳалиги отахон яна йўлларида давом этдилар. Мана шу ҳолатда ўша биродаримиз тўғри қилдими, яъни отахонга эътиборсиз ҳолатда сажда қилиши тўғри бўлдики, ёки намозни тўхтатмоғи дурустмиди? Албатта бу ерда отахон тўғри иш қилмадилар. Лекин, менимча бу нарса биринчи бўлаётгани йўқ. Шунинг учун хато қилишдан сақланиш умидида сизга мурожаат қилаётган эдим. Аллоҳ ҳаммамизга тавфиқ берсин.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бу каби ҳолатлар зарурат юзасидан бўлгани учун, иншааллоҳ, кечиради. Биродарингиз намозда давом этиб тўғри қилган. Агар намозхоннинг олдини кесган одам хабарсиз бўлганда, уни тасбеҳ айтиб ёки ишора билан огоҳлантириш лозим бўларди. Аммо сиз васф қилаётган ҳодисада отахон кўриб-билиб туриб зарурат юзасидан ноқулай вазият чиқишига сабаб бўлганлар. Аллоҳ камчиликларимизни Ўзи кечирсин! Валлоҳу аълам.